



## Analysis of the position of the Roman-catholic church to cyberspace

Shohsanam NIYAZOVA<sup>1</sup>

International Islamic Academy of Uzbekistan

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received October 2021

Received in revised form

15 October 2021

Accepted 20 November 2021

Available online

15 December 2021

**Keywords:**

Roman Catholic Church,

Cyberspace,

Internet and Ethics,

Catholic Websites.

### ABSTRACT

The article examines the position of Catholicism, one of the main branches of Christianity, in relation to cyberspace and the use of the Internet. From the studied sources that have been published, for example, official statements, appeals, various documents. It can be concluded that the Roman Catholic Church was one of the first to appreciate the power and importance of the Internet. This allowed her to start a fairly effective missionary. The study analyzes the arguments on which the highest leaders of the Catholic Church express support for the use of digital technologies for religious purposes.

The article also examines when and in what forms Catholicism entered cyberspace. A theoretical assessment is given on the current types of online activities of the Roman Catholic Church and Catholic websites.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss11/S-pp42-47>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Рим-католик черковининг кибермаконга нисбатан позицияси таҳлили

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

Рим католик черкови,

кибермакон,

интернет ва этика,

католик веб-сайтлари.

Мақолада христианликнинг йирик йўналишларидан бири бўлмиш католикнинг кибермаконга ва интернетдан фойдаланишга бўлган позицияси ўрганилди. Кўриб чиқилган манбалар, расмий баёнот ва мурожаатлар, ҳужжатлардан маълум бўлдики, Рим католик черкови биринчилардан бўлиб, интернетнинг кучи ва аҳамиятини муносиб баҳолай олган ва ўз миссиясини амалга оширишда ундан самарали фойдаланишни бошлаган. Тадқиқот давомида

<sup>1</sup> Basic doctoral student of the International Islamic Academy of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: niyazovashohsanam1@gmail.com.

католик черковининг олий раҳнамолари қандай асосларга таяниб, рақамли технологиялардан диний мақсадларда фойдаланишга хайрихоҳлик билдиргани таҳлил қилинди.

Католицизм кибермаконга қачон ва қандай кўринишларда кириб келгани баён қилиниб, бугунги кунда Рим католик черкови ва ,умуман, католик веб-сайтларининг онлайн фаолиятига назарий баҳо берилди.

## Анализ позиции Римской-католической церкви к киберпространству

### АННОТАЦИЯ

#### **Ключевые слова:**

Римско-католическая церковь, киберпространство, Интернет и этика, католические веб-сайты.

В статье исследуется позиция католицизма, одной из основных ветвей христианства, по отношению к киберпространству и использованию сети интернет. Из изученных источников, которые были опубликованы, к примеру, официальные заявления, обращения, различные документы. Можно сделать вывод, что Римско-католическая церковь одной из первых оценила силу и важность сети интернет. Это позволило ей начать довольно эффективное миссионерство. В исследовании анализируются доводы на которых высшие лидеры католической церкви выражают поддержку использованию цифровых технологий в религиозных целях.

Также в статье рассматривается, когда и в каких формах католицизм вошел в киберпространство. Дается теоретическая оценка на сегодняшние виды онлайн-деятельности Римско-католической церкви и католических веб-сайтов.

### КИРИШ

Энг йирик глобал майдон саналмиш кибермаконда 1980 йиллардан бошлаб инсонларнинг диний қарашлари, диний мавзулар юзасидан фикр-мулоҳазалари ўз аксини топа бошлаган. Дастлаб онлайн электрон доска (BBS, 1978 й.)да, сўнг форум (“CommuniTree”, 1978 й., “Origins”, 1983 й.) ва диний онлайн гуруҳлар (“net.religion”, 1983 й.)да диний мазмундаги постларни ёзиб қолдириш имкони юзага келган. 1990 йилларга келиб, “World wide web” (Бутундунё ўргимчак тўри)нинг яратилиши ҳамда интернетга осон уланиш имконини берувчи браузерларнинг ишлаб чиқилиши динлар, хусусан, христианликнинг кибермаконга жадал кириб келиши ва ёйилишига, шу динга оид веб-сайтларнинг очилишига замин бўлди.

Христиан динининг йирик йўналишларидан бири – католиклик ўз миссиясини амалга оширишда интернетнинг ўрни ва ролини чуқур англаган ҳолда рақамли технологиянинг барча турларидан унумли фойдаланишга киришди.

Католицизмга оид дастлабки онлайн гуруҳлар компьютер технологияларини яхши билган мутахассислар, шунингдек, интернетдан фойдаланиш кўникмасига эга оддий одамлар томонидан очилган бўлса, 1995-йил Рим папаси бошчилигида Муқаддас тахтнинг расмий веб-сайти (vatican.va) ишга туширилди. Шундан бошлаб, Рим папалари ўз нутқлари ва мурожаатларида кибермакон масаласига алоҳида

тўхталишни бошлади. Интернетдан фойдаланиш этикаси баён қилинган қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Буларнинг барчасида католик черковининг кибермаконга нисбатан позицияси маълум даражада ўз аксини топди.

### **МАТЕРИАЛ ВА ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ**

Интернетнинг “кучи” ва келажagini кўра олган Рим папаси Иоанн Павел II 1989 йил черков миссиясини амалга оширишда компьютер телекоммуникациялари берадиган имкониятларни юқори баҳолаб, буни “янги Евангеллаштириш”, деб атаган [1].

1995 йил очилган vatican.va сайти Ватиканнинг Апостол саройи биринчи қаватидан туриб юритилган ва америкалик роҳиба Жудит Зебелейн томонидан назорат қилинган. Сайтни очишдан мақсад Иоанн Павел IIнинг кун тартибини ва турли тилларга таржима қилинган асарларини, Ватиканга тегишли пресс-релизларни эълон қилиш, дунёнинг турли нуқталарига минглаб ахборот сўровларини юбориш бўлган [2].

1995 йил дастлабки икки ҳафта ичида 1 миллион одам vatican.va сайтидан рўйхатдан ўтган [3]. Бу эса 90-йилларнинг ўрталарида католикларнинг интернетда расмий манбага эҳтиёжи юқори бўлганлигини кўрсатади. Шу йили vatican.va сайти Папага электрон мактуб йўллаганлар сони ниҳоятда кўп бўлганидан босимни кўтара олмай, ёпилган. 1996 йилда сайтнинг такомиллашган версияси Рафаэль, Майкл ва Габриэль номлари билан аталувчи учта сервердан фойдаланилган ҳолда қайта ишга туширилган.

Папанинг кибермаконга хайрихоҳлиги, технологияларнинг жадал суръатларда ривожланиши ва кенг ёйилиши натижасида черковлар, ҳудудий епархиялар, католик орденлари ва приход (энг қуйи черков ташкилоти)лар, анъанавий католик ОАВлари (газета, радио, телевидение)нинг расмий сайтлари ўз фаолиятини бошлаган. Шунингдек, Ватикандан ташқарида бўлган диний гуруҳлар томонидан католицизмни оммабоп ракурстан кўрсатувчи веб-сайтлар ҳам очилган.

Кейинчалик алоҳида шахслар ва норасмий диний ташкилотларнинг сайтлари, католик дини доирасида маркетинг хизматларини тақдим қилувчи (яъни диний китоблар, маҳсулотлар ва хизматлар сотуви билан шуғулланувчи) тижорий сайтлар кўпайган. Натижада, бир қатор олимлар католицизмга оид сайтларнинг турлари, уларнинг фаолияти ва интернет фойдаланувчилари эътиборини жалб қилиш механизмларини ўрганишга киришдилар.

Баъзи тадқиқотчилар таснифича, католик сайтлари у ёки бу диний ташкилотга тегишлилигига кўра қуйидаги турларга бўлинади [4]:

- Муқаддас Тахт (Папа Престоли)га тегишли сайтлар;
- Епископал конференция сайтлари;
- Епархия сайтлари;
- Приход (черков) сайтлари;
- Монахлик орденлари сайтлари;
- Конгрегация сайтлари;
- кўнгиллилар, диний ҳаракатлар, уюшмаларга тегишли сайтлар;
- шахсий сайтлар.

Католик веб-сайтлари мазкур таснифдаги биринчи тур – Муқаддас тахтга тегишли сайтлар мисолида таҳлил қилинганда, уларнинг сони 2021-йил октябрь ҳолатида 85 та экани ҳамда барчаси “va” доменидалиги маълум бўлди [5]. Улар ичида асосийлари қуйидагилар:

- vaticanstate.va – Рим-католик черковининг олий руҳоний ва маъмурий маркази бўлмиш Ватикан шаҳар-давлатининг веб-сайти;
- synod.va – епископлар синоди сайти;
- vaticannews.va – коммуникация ишлари бўйича дикастерия сайти, Муқаддас Тахтнинг ахборот портали ва бошқалар.

Рим католик черковининг vatican.va сайти орқали олиб борган онлайн “фаолияти”ни 1996-йил АҚШлик журналист Ж. Рамо биринчилардан бўлиб, ўз мақолаларида [6] ёрита бошлаган. Албатта, бу мақолаларда кўпроқ илмий-оммабоп услуб етакчи эди. Тадқиқотчи ва ношир Ж. Зелиски 1997 йилда чоп этилган “Кибермакон руҳи: янги технологиялар илоҳий ҳаётимизни қандай ўзгартирмоқда” номли китобида [7] Муқаддас тахтнинг расмий сайтига мустақил баҳо берган. Жумладан, мазкур сайтда бошқа сайтларга ҳаволалар келтирилмаганлиги, интернет фақат ахборот узатиш воситаси сифатида фойдаланилаётгани ва Папанинг назорати кучли эканлигини кибермакондаги асосий икки “гуноҳ” деб атаган. Бу ҳолат Рим-католик черковининг интернетдаги келажагига ижобий таъсир кўрсатмаслигини таъкидлаган [8].

### **НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ МУХОКАМАСИ**

2000 йил “Pew Internet&American Life Project” томонидан АҚШда ўтказилган тадқиқотда 19-20 миллион одам интернетда диний ва илоҳий мавзудаги маълумотларни қидириши аниқланган [9]. Бу тенденция нафақат Кўшма Штатлар, балки бутун дунёда авж олаётган эди. Рим папаси Иоанн Павел II ўз мурожаатлари, расмий хужжатлар орқали католикларни кибермаконга усталик билан олиб киришга ҳамда онлайн ва оффлайн “олам”да бирга бўлишни сақлаб қолишга интилиши юқоридаги тенденциядан яхши хабардор бўлганлигини англатади. Умуман, Рим папаларининг Бутунжаҳон ижтимоий коммуникациялар куни муносабати билан йўлланувчи мурожаатларида охириги йигирма йилда асосий эътибор интернет ва кибермаконга қаратиладиган бўлди.

2000 йилда понтифик Иоанн Павел II нинг 34-Бутунжаҳон ижтимоий коммуникациялар кунидаги нутқи “Янги мингйиллик бошида Исони ОАВда ёйиш”, деб номланиб, янги асрда янги давр бошланганини англатувчи биринчи нутқи эди [10]. Унда эътиборни тортувчи икки жиҳат бор. Биринчиси, “Исони шахсан тарғиб қилиш – бир киши Исонинг қайта тирилишига ишонишини бошқа кишига билди-риши – жуда муҳим, Худонинг сўзини тарқатишнинг бошқа анъанавий шакллари ҳам худди шундай”, деб Папанинг таъкидлашидан мурод католик таълимоти, ақидасини бошқаларга ёйишнинг янги усулларида фойдаланиш аҳамиятли эканлиги, улардан оқилона фойдаланмаслик эса “Черковнинг Худо олдида айбдор бўлишига” олиб келишини таъкидлашдир.

Иккинчиси, Иоанн Павел II нинг чорловига кўра, “Католик коммуникаторлар тарғиботнинг янги воситаларини ривожлантиришда қатъиятли ва ижодкор бўлишлари керак”. Бу билан исталган одам католик таълимотига оид ҳар қандай маълумотни интернетда қийинчиликсиз, тез ва осон топиш йўллари ишлаб чиқиш, қизиқарли, ишончли, интерактив манбаларни яратиш назарда тутилган эди.

Понтифик Иоанн Павел II нинг 2002-йилда Бутунжаҳон ижтимоий коммуникациялар кунидаги “Интернет: Евангелияни тарқатишнинг янги форуми” [11], деб номланган нутқида кибермаконнинг черков учун бир чорлов экани, Евангелия

хабарини унинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ёйиш лозимлиги айтилган. Худди шу йили Рим-католик черкови ходимлари ва аъзолари, умуман, барча католиклар кибермакондан фойдаланишда эътибор қаратиши ва амал қилиши тавсия этилган “Интернетда этика” ҳамда “Черков ва интернет” деб номланган расмий ҳужжатлар ҳам эълон қилинган.

Иоанн Павел II дан кейин 2005 йил сайланган Бенедикт XVI барча руҳонийларни ўз жамоаларини онлайн маконга бошлашга, Инжилнинг рақамлаштирилган шакллари яратишга, доктрина ва бошқа расмий ҳужжатларни очиқ эълон қилишга ундаган. Бу чорловлар кейинчалик бир қатор мутахассисларнинг эътирозларига сабаб бўлган. Улар марказлашган тизимда “қўриқланган” доктрина ва расмий таълимотлар энди “товламачи” диний изланувчилар ёки алоҳида шахслар томонидан очиқчасига муҳокама ва танқид қилиниши, бу эса католик черковига муаммолар келтириб чиқариши мумкинлиги тўғрисидаги тахминларини илгари сурганлар [12].

2013 йил Папа этиб сайланган Франциск даставвал компьютердан фойдаланишни ҳам билмаслигини тан олиб, ёшларни монитор ва смартфон қаршисида кўп вақт ўтказмасликка чорлаган эди. Бироқ у 2015-йил асосий фойдаланувчилари ёшлар бўлган Instagram’да ўз саҳифасини (@Franciscus) очди (Бенедикт XVI эса 2012-йил Twitter’да ўз akkaунтини (@Pontifex) очган эди). Франциск 2016 йил 50 Бутунжаҳон ижтимоий коммуникациялар куни муносабати билан сўзлаган нутқида интернетни “Худонинг туҳфаси”, деб атаб, у билан боғлиқ салбий ҳолатлар ундан воз кечишга сабаб эмаслигини, “Электрон хатлар, матнли хабарлар, ижтимоий тармоқлар ва чатлар одамлар ўртасида мулоқот шакли бўла олишини” таъкидлаган [13].

### **ХУЛОСА**

Ҳозирги кунда понтифик Франциск ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги орқали дунёнинг исталган еридаги католиклар билан бирга эканлигини билдираётгандек таассурот қолдиради. Папа иштирокидаги турли сафарлар, маросимлар, қабуллар акс этган видео ва фотосуратлар минглаб мартаба кўрилади ва “лайк”лар билан баҳоланади.

Ватикан радиоси, Ватикан телевидениеси (CTV, Centro Televisivo Vaticano) ҳамда босма нашри (“L’Osservatore Romano” газетаси) ўз расмий сайтларига эга бўлса-да, тўлақонли фаолият юритмайди. Аммо Папанинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги, YouTube видеохостингидаги диний маросимлардан онлайн трансляциялар (youtube.com/c/VaticanNews) бу камчиликни билдирмайди [14].

Бугунги кунда юзлаб янги католик сайтлари очилмоқда ва аксарияти “it” доменига тегишли. Италиядаги қарийб ҳар бир черковнинг, черков қошидаги институтлар, ҳаракатлар, миссияларнинг ўз веб-сайтлари бор. “www.siticattolici.it” қидирув тизими ана шундай католик сайтларига энг кўп ҳаволаларни ўз ичига олганлиги билан ажралиб туради. Италиядаги “Католик веб-ассоциацияси” (Wesa, Associazione Web Cattolici) эса кибермакондаги католик сайтларнинг энг яхшиларини танлов асосида аниқлаш ва рағбатлантириш ишларини олиб боради [15].

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ramo J.C. (1996). Finding God on the Web. Time 149 (1): 55. (Қаранг: <http://content.time.com/time/subscriber/article/0,33009,985700-1,00.html> – мурожаат санаси: 13.09.2021 й.).

2. Ўша асар, 52–58-бетлар.
3. Helland, C. Religion on the internet: a sociological inquiry into participation and community online. A Thesis for the degree of Doctorate of Philosophy. University of Toronto. 2004. – P 136.
4. Debanne X. La presenza religiosa in rete: analisi e classificazione – CICS Roma / [www.ananiainrete.it/convegni/030630\\_debanne\\_PM\\_16.pdf](http://www.ananiainrete.it/convegni/030630_debanne_PM_16.pdf).
5. Siti Internet Vaticani. [https://www.vatican.va/siti\\_va/index\\_va\\_en.htm](https://www.vatican.va/siti_va/index_va_en.htm) – мурожаат санаси: 15.01.2021 й.
6. Ramo J.C. (1996). Finding God on the Web. Time 149 (1): 55.
7. Helland C. Religion on the internet: a sociological inquiry into participation and community online. A Thesis for the degree of Doctorate of Philosophy. University of Toronto. 2004. – P. 136.
8. Zaleski J. (1997). The Soul of Cyberspace: How New Technology is Changing our Spiritual Lives. New York: HarperCollins Publishers. – P. 128.
9. Larsen E. Wired Churches, Wired Temples: Taking congregations and missions into cyberspace.
10. Pew Internet & American Life Project, December 20, 2000. [www.pewresearch.org/internet/2000/12/20/wired-churches-wired-temples/](http://www.pewresearch.org/internet/2000/12/20/wired-churches-wired-temples/) - мурожаат санаси: 24.09.2021 й.
11. [https://www.vatican.va/content/john-paul-ii/en/messages/communications/documents/hf\\_jp-ii\\_mes\\_20000124\\_world-communications-day.html](https://www.vatican.va/content/john-paul-ii/en/messages/communications/documents/hf_jp-ii_mes_20000124_world-communications-day.html) – мурожаат санаси: 24.09.2021 й.
12. [https://www.vatican.va/content/john-paul-ii/en/messages/communications/documents/hf\\_jp-ii\\_mes\\_20020122\\_world-communications-day.html](https://www.vatican.va/content/john-paul-ii/en/messages/communications/documents/hf_jp-ii_mes_20020122_world-communications-day.html) – мурожаат санаси: 24.09.2021 й.
13. Cowan and Dawson, Religion Online, 26; Helland C, “Religion Online/ Online Religion and Virtual Communities, In Religion on the Internet: Research Prospects and Promises, ed. J.K. Hadden and D.E. Cowan, (Greenwich: JAI Press, 2000), 205–224.
14. [www.vatican.va/content/francesco/en/messages/communications/document/s/papa-francesco\\_20160124\\_messaggio-comunicazioni-sociali.html](http://www.vatican.va/content/francesco/en/messages/communications/document/s/papa-francesco_20160124_messaggio-comunicazioni-sociali.html) – мурожаат санаси 25.09.2021 й.
15. Клименко Д. Ватикан и новые информационные технологии. Вестн. Моск. ун-та. Сер. 10. Журналистика. 2010. – № 2. – С. 100–113.